

Mustahkam oila – yurt tayanchi

201  
A

✓ Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston

# QILA DAVRASIDA

№ 45 (391)  
2019 - yil  
31 - oktabr  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



Doing  
Business  
2020

## ЎЗБЕКИСТОН РЕЙТИНГИ

қанчага юқорилади?

2-бет

## ЎЗБЕК ЙИГИТИГА НОБЕЛЬ?

жавоби топилмаган  
савол

2-бет

# ЮРТНИ РАМЗЛАР БИЛАН СЕВИШ...

## БУНИ ҚАЧОН БАС ҚИЛАМИЗ?



3-бет



«Оила даврасида» газетасига

2020 йил  
учун

# ОБУНА

Обуна индекси — 193

«Оила даврасида» — энг  
арзон, энг қизиқарли ва  
оилангизнинг ҳар бир аъзоси  
учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз,  
мулоҳазангиз, муносабатингиз билан  
чикишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!



бошланди!



## КЕЛИН-КУЁВЛАР МАКТАБИ

ўқиш мажбурийми?

4-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара  
китоблар  
ассортименти

## Халқаро эътироф:

ЎЗБЕКИСТОН РЕЙТИНГИ  
ШИДДАТ БИЛАН ЮКСАЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида ташқи сиёсат борасида эришилган ютуқлар алоҳида таъкидланиб, бу борада галдаги вазифалар сифатида дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни ошириш, унинг халқаро майдондаги нуфузиди янада мустаҳкамлаш масаласи қўйилган эди.



Кейинги қисқа давр мобайнида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора мустаҳкамланмоқда. Айниқса, жаҳон миқёсидаги халқаро ижтимоий-иқтисодий рейтинглар орасида, биринчи навбатда, Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» (*Doing Business*) рейтингидан ташқари, бу борада галдаги вазифалар сифатида дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни ошириш, унинг халқаро майдондаги нуфузиди янада мустаҳкамлаш масаласи қўйилган эди.

Кейинги 5 йил мобайнида «Бизнес юритиш» рейтингидан ташқари, бу борада галдаги вазифалар сифатида дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни ошириш, унинг халқаро майдондаги нуфузиди янада мустаҳкамлаш масаласи қўйилган эди.

яқшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори муҳим омил бўлди. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яқшилаш бўйича «Йўл харитаси» ҳамда 2022 йилга келиб республиканинг кучли йигирмаликдан ўрин эгаллашини назарда tutuvchi «Бизнес юритиш» яқшилаш – 2022» мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди.

Ўзбекистон 2022 йилга қадар Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг кулай шарт-шароитларни яратишга интилоқда. Президентнинг 2018 йил 13 июлдаги «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яқшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳам бу ўзифодасини топган.

Мухтасар айтганда, ҳар икки қарор билан яқин 3 йил ичида нафақат рейтингда тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун кулай шарт-шароитлар яратилган 50 дан ортик давлатдан илгариллаш, балки мамлакат имижини ижобий томонга ўзгартириш кўзда тутилган. Мамлакатимизда бизнес юритиш шарт-шароитларини халқаро норма ва стандартлар талабларига мослаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатларни янада кучайтириш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Ва ниҳоят, куни кеча бутун халқимизни хурсанд этувчи ва

ғурурлантирувчи хушxabар тарқалди. Яъни, Ўзбекистон «Doing Business – 2020» халқаро бизнес жозибadorлиги рейтингидан 190 мамлакат ичида 7 поғонага кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади. Шунингдек, мамлакатимиз тадбиркорлик муҳитини яқшилашда катта ютуққа эришган давлатларнинг кучли йигирматалиги (*TOP-20*) кирди. «Бизнесни рўйхатдан ўтказиш» индикатори бўйича эса давлатимиз 8-ўринни эгаллаб, кучли ўнталikka кирди.

Ҳа, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини кенг кулоч ёйдириш, юртимизнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, хорижлик инвесторлар учун ўз юртидаги мавжуд шароитлардан ҳам кулайроқ имкониятларни яратиб бериш, уларнинг фаолиятида қонуннинг сўзсиз устуворлигини таъминлаш борасида катта қўлдамдаги чора-тадбирлар амалиётга жорий этилмоқда. Албатта, бу саъй-ҳаракатлардан мақсад, аввало, иқтисодийётимизни юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, қолаверса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги имижини янада юксалтириш, халқаро майдондаги обрў-нуфузиди баланд кўтаришидир.

Зеро, бу улўввор ниятлар ижобати мамлакатимизнинг барқарор тараккиёти, давлатимиз куч-қура-тининг мустаҳкамланиши ҳамда халқимизнинг тўкин-сочин ва бахтиёр ҳаёт кечирishiга хизмат қилади.

**Элдор ТУЛЯКОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори

## Инсон ҳуқуқлари

МАҲКУМЛИК –  
МАҲРУМЛИК ЭМАС

Тўғри йўлни йўқотганлар жазони ижро этиш муассасаларида эканининг ўзи оғир, албатта. Аммо қандай ва қанақа бўлмасин, уларнинг бари аввало инсон. Ҳар бирининг қадри, шаъни, ҳуқуқ ва манфаатлари бор. Ва бу ҳам доимо давлатимиз эътиборида.

Миллий қонунчилигимизга бу йўналишда ўзгартишлар киритилди. Жорий йил 5 сентябрда қўйилган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида озолиқдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг сийсий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган янгиликлар жорий этилди, дея хабар берди ЎЗА.

Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озолиқдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари сайловларида ва референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шунингдек, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Яъни қонуннинг 511-моддаси билан озолиқдан маҳрум қилинган, жазо муддатини манзил-колонияларда ўтаётган шахсларга пенсия тўлаш ҳуқуқий мустаҳкамланди. Унга мувофиқ, манзил-колонияларда жазони ўтаётган озолиқдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза муассаса маъмурияти орқали манзил-колония жойлашган жойдаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасининг туман (*шаҳар*) бўлимига топширилади. Пенсия жағфармаси туман (*шаҳар*) бўлими томонидан тегишли пенсия суммаси маҳкумларнинг шахсий ҳисобқамаига ўтказилади.

## Янги қонун

БОЛАЛАР ЭНДИ  
КЎПРОҚ ЭМАДИМИ?

Она сuti – чақалоқ соғлом униб-ўсиши ва ақлий салоҳияти шаклланиши, яъни бош миёна ривожланишида муҳимдир. Тиббиётда исботланган статистик таҳлилларга кўра, она сuti билан озиқлантириш ҳар йили дунёда 20 минг аёлнинг кўкрак саратони ёки тухумдон саратони тухуғли ҳаётдан кўз юмишининг олдини олишга ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 23 октябрь куни имзолаган «Она сuti билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат махсулотларига доир талаблар тўғрисида»ги қонун болаларни тўғри озиқлантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос яратди.

Эндикда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни она сuti билан озиқлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида маданий-кўнгилочар муассасалар, шунингдек, автовокзал, аэропорт ва темир йўл вокзалларида махсус ажратилган жойлар ташкил этилади. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва етказиб бериувчилар, шунингдек, рекламани тайёрловчилар ва тарқатувчилар фаолиятига оид чекловлар ўрнатилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келиш-масдан гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланишига доир илмий тадқиқотларни молиялаштиришга йўл қўйилмайди. Шунингдек, она сutiнинг ўрнини босувчи махсулотлар тўғрисидаги рекламаларни оналар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида тарқатиш тақиқланади.

Қонунда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат махсулотларини қадоклаш, сақлаш, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат махсулотларининг санитария ҳолати, сифати ва хавфсизлигига оид қатор талаблар белгиланган, дейилади ЎЗА эълон қилган мақолада.

## Эътироф

## ЎЗБЕК ЙИГИТИ ОСИЁ НОБЕЛИ СОҲИБИ

«Худ нега ўзбек тили ва адабиёти бўйича олимпиада йўқ?»

Ўн тўққиз ёшли Бобур Эгамбергенов – нафақат ўзи туғилиб ўсган Хоразмнинг, балки мамлакатимиз фахри саналади. У ёш бўлишига қарамастан жуда кўп ютуқларга эришган. Олти тилда бемалол гаплаша оладиган бу йигит яқинда халқаро «Guzi» мукофотида лойиқ деб топилди.

Мазкур мукофот 2002 йилда Филиппинда ташкил қилинган бўлиб, у Осий Нобель мукофотининг аналогига саналади. Ҳар йили бу мукофот билан 15 нафаргача номзод тақдирланади.

Эслатиб ўтамиз, Бобур Эгамбергенов Урганч туманида таваллуд топган. Ҳозиргача у араб, рус, инглиз, украин, поляк ва бошқа қардош тилларда бемалол гаплаша олади. Ўтган йили изланувчан ва ташаббускор Бобур украин ва ўзбек дўстлик алоқаларини ривожлан-

тиришдаги хизматлари учун «За розбудову України» ордени билан тақдирланган эди.

У Урганч қурилиш коллежида ўқиётган даврида Москва шаҳрида бўлиб, рус тили ва адабиёти халқаро олимпиадаси, шунингдек, Қозон шаҳрида бўлиб ўтган татар тили ва адабиёти халқаро олимпиадасида иштирок этиб, фойлибар сафидан ўрин олган эди.

Бобур араб тилини мукамал ўрганиб, бу тил имлоси бўйича хаттотлик санъати билан ҳам шуғулланиб келади. Бу борадаги ишлари учун у Франциянинг «Euro Star – 2017» мукофотида сазовор бўлган.

– Япониялик бир тенгдошим Қозонда татар тили ва адабиётдан халқаро олимпиада чоғида менин ўзбек эканимни билиб, мен билан ўзбекча гаплашди. Сухбат давомида у Навоий бобомизнинг

рубойларини ёддан айтиб берди ва нега ўзбек тили ва адабиёти бўйича олимпиада йўқлигини сўради. Тўғриси, унинг бу саволига жавоб беролмадим. Шундан бери ўйлаб юраман, нима учун туркий миллатлар ичида нуфузи жиҳатдан энг катталардан бири бўлишига қарамай бизда ўз она тилимиз ҳамда адабиётимиз бўйича халқаро танловлар ташкил қилинмайди. Менимча, турли ёшдагилар ўртасида бундай халқаро танлов ўтказилса, юртимиз тарихига, адабиётига, санъатига кизикувчилар ошишига, юртимизга келувчи сайёҳлар сони кўпайишига хизмат қиларди. Менин бу фикрларимни тегишли мутасаддилар эшитишини ва инобатга олишини жуда истар эдим, – дейди Бобур Эгамбергенов.

Эрпўлат БАХТ

# ЮРТНИ РАМЗЛАР БИЛАН СЕВИШ... БУНИ ҚАЧОН БАС ҚИЛАМИЗ?

«Бешта ўринбосаримнинг ҳар бирига «I love ...» ёзувини ўрнатишни топширик бердим!..»

Бугун қайси нашрга, интернет саҳифаларига қараманг, она тилига эътибор, давлат тилининг аҳамияти ҳақидаги мақолалар билан тўлиб-тошган. Аммо ана шундай жонқуярлик афсуски ҳаётимизда, ён-атрофимизда, амалий ишларимизда сезилаётгани йўқ. Тилга эътиборсизлик борасидаги нафақат кеча ёки ўтган кундаги, балки бир неча йиллардан бери қилинаётган чиқишлар ҳеч кимни безовта ҳам қилмаяпти.



Бундан икки-уч йил бурун ўша ҳаммага машҳур «I love Uzbekistan» қулоғимиз остида жаранглай бошлади. Ҳоҳлаймизми йўқми, «Мен Ўзбекистонни севаман» эмас, «I love Uzbekistan» дея баралла жар соладиган бўлдик. Буни қарангки, пойтахтда бошланган чет элча дил ихзори қулочка хуш ёқди, шекилли, энди вилоят, туман, хатто чекка бири кишлоқкача «I love ...» урф бўла бошлади. Лицейда ўқиб юрган кезларим бирор жойда бу сўзга кўзим тушмаган эди. Бироқ университетдан таштга чиқиб, она шаҳрим томон отлансам, не кўз билан кўрайки, шаҳар марказида «I love Navoiy» қаккайиб турибди. Ана юртга муҳаббат, мана тилга хурмат, дедим таъбим хира бўлиб.

Бу ҳолат кимгадир ёқар, кимгадир эриш туюлар, бунни билмадим, лекин шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшамиз деб, она тилимиз макенини анча паст поғонага ташлаб қўяётганимиз яққол сезилиб турибди. Ҳар бир шаҳару туман марказига бундай ёзувли сўзларни ўрнатишдан мақсад нима ўзи? Ёш авлод калбиди ватанпарварлик туйғусини уйғотиш ва ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш дейлик. Бироқ «I love Tashkent»ни кўрган бола онгда ватан тушунчаси чуқур илдиз отсаю, она тилига бўлган хурмат заррача ўсма, бундай ватанпарварликда қандай маъно бор? Юртга муҳаббат она тилига хурматдан бошланмайдими аввало? Мен шу ёш авлоднинг бир вакили сифатида шунни айтоламанки, ҳар гал шу ёзувларга кўзим тушганида, фақат ва фақат она тилимизнинг топталган қадри кўз олдимга келади, холос.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси матбуот хизматининг [uzbektourism.uz](http://uzbektourism.uz) сайтида хабар беришича, афсонавий Самарқанд шаҳрининг асосий кўчаларида қадим тарихимизга кизиқиб, шаҳарга ташриф буюрувчи-

ларни мамнуният билан қутиб оладиган иккита «I love Samarkand» ўрнатилибди. Ана мақсаду, мана туризмни ривожлантириш! Шаҳарга келган сайёҳ ўз тилида ёзилган ёзувни кўриб мамнун бўлмай, ким мамнун бўлсин, ахир. Уни бизнинг она тилимиз қадри заррача кизиктирмас...

**Бироқ келган меҳмоннинг ҳаёлидан «Бу юртнинг она тили қайси тил ўзи?» деган сўров ўтиб, «ўз тилини ўзга тилда севадиганлар» дея ич-ичидан қулмайдими? Кўзга яққол ташланиш учун «юрк» белгисини ўрнатишганига нима дейсиз?**

Бу рамзни 14 февраль куни танкид қилиб, роса болаб таъзирини берсақ-да, бу ёқда шаҳар дарвозаси олдида хурмат билан ўрнатиб қўйишимиз нимаси? Шу ўринда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасига бир савол: туризмни ривожлантириш ҳақида бош қотираётган вақтингизда она тилимизга пурут етмайптими, дея ҳеч ўйлаб кўрасизми?

Бир куни сурхондарёлик курсдошим шаҳрига ўрнатилган «I love Termez» ёзувининг хато ёзилганидан жажли чиқиб, «I love...»га чидаб келаётган эдигу, неча йилдан буён Термиз дея айтиб келинган сўзни хато ёзишганига нима дейиш мумкин?» деб қолди. Ҳа, баъзи шаҳарларимиз номлари борки, инглиз тилида ёзилиши унча фарқ қилмайди. Бироқ айримларини кўрсанг, бошқа шаҳар номини кўргандай бўласан киши. «I love Khorezm», «I love Kokand»ларни кўриб, миллийлигимиз ҳам осимиздан чиқиб қолади. Аслида уларни олдийгина қилиб «Xogazm» ёки «Qo'qon» дейиш кўпроқ дилга яқин эмасми?

Ўтган йили Нукус шаҳрида ҳокимликнинг раҳбар шахслари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтган эди. Шунда

шаҳар ҳокими Парахат Турешев сўзга чиқиб, «Бешта ўринбосаримнинг ҳар бирига «I love Nukus» ёзувини ўрнатишни топширик бердим», деган фахр билан. Ҳамманинг эътибори тушадиган жойларга қўйилаётган бундай ёзувлар аслида тегишли мутахассислар иштирокида муҳокама қилиниши керак эмасми?! Бироқ ҳоким бунанинг ўзлари шундай топширик бериб турганларидан кейин, бошқалардан нимани кутасиз? Нима, шаҳарнинг нуфузини ошириш учун «I love...»дан бошқа муҳимроқ ишлар йўқми?

Яқинда 2lasr.uz сайтида қашқадарёлик 27 ёшли талабанинг фикрини ўқиб қолдим: «Бизнинг туманга киришда ўрнатилган лойиҳани шахсан вилоят ҳокимимиз тасдиқлаб берган. Бир ой тинмай ишлади қурувчилар, миллионлаб пул кетди, ахир. Ким энди бунни олиб ташлайди, ҳеч ким!..»

Ҳа, айни шу мавзуда ўнлаб газеталар, сайтлар танқидий мақолалар эълон қилди. Бироқ шундан бери «I love...»лар қўпайса қўпайдики, бирортаси ҳам олиб ташлангани йўқ. Ҳамма нарса молиявий асосга бориб тақалади, деганларидек демак, суваг оккан миллионлаб пуллар бу лойиҳани бекор қилишга тўсқинлик қилади. Аслида, миллиардлаб пул ҳам ўз она тилимизни ўзимизга қайтариб беролмайди, тилимизга хурматни оширолмайди-ку!

«Биргина шу муаммога барҳам бериш билан она тилимиз қадри кўтарилиб қолмайди, пашшадан фил ясама», деган фикр ҳаёлигиздан ўтгандир балки. Бироқ катта кўнгилсизликлар шундай кичик локалликлардан бошланади.

Шу кунларда дярли ҳар бир талми муассасасида тил байрамига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Аслида, 21 октябрь келаётгани учун «маънавиятчи»лар оёғи қуйган товукка

ўхшаб, «патиллаб» қолди. Нима учунки, байрам ўтказилганлиги тўғрисида хисобот топшириш керак. Расмбозлик ажибда, ахир расмлар тадбир ўтказилганлигининг исботи-да.

Университетимизда ҳам тил байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уч-тўртта курсдошимиз билан бу тадбир-бозликка қўшилишни истамай, қутуб-хонага отландик. Қарангки, ортимиздан «Тадбир томошасига келмаслик она тилига беҳурматдир» деган «илик» сўзлар янграбди. Уша тадбирда иштирок этаётганлар, тадбир томошасига отланганларнинг ҳаммаси ҳам она тилини қойилмақом хурмат қилиб қўйибдими? Тилга муҳаббат тадбирбозлик билан ўлчанадими? Мактаб давримдан бери тил байрамига бағишланган тадбирларда иштирок этиб келаман ва шунни айтоламанки, 21 октябрь куни она тили ҳақида тўртта шеър, бир оғиз гап, мумтоз куй ижро этиш билан тил бойлигимиз ошиб қолмайди. Энди тадбирбозликни қамайтириб, амалий ишларга ўтадиган вақт келди, назаримда.

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нуғини тинглар эканман, яхшики ҳар қанча бойлик билан сотиб олиб бўлмайдиган «миллий гурур» деган иборанинг маъносини жуда яхши тушунадиган, она тилимизни ўзимизга қайтаришимиз осон бўлмаганини билганлар, бунинг тририк гувоҳи бўлганлар бор орамизда, дедим ўзимга ўзим. Энди фақат мамлакат раҳбари айтганидек, давлат тилига — она тилимизга эҳтиром ва садоқатини барчамиз ўзимиздан, ўз онамиз ва жамоамиздан бошлашимиз керак.

Махфуза ПҮЛАТОВА,

ЎЗЖОКУ талабаси

## Савобнинг бутуни яхши

Кутилмаганда юмушим кўпайиб ишга кечикиб отландим. Бекатда жонсарақ турсам, ёнимга «Матиз» келиб тўхтади. Собик ўқувчим Жамол экан. Қувониб кетдим.

— Ассалому алайкум, устоз. Бозор чорраҳасигача қиввалоқолинг, — деди меҳрибонлик билан.

Жамолни мактабда беш йил ўқитганман. Уйи ҳам кўчамизнинг охирида. Йўл-йўлаккай гаплашиб кетиб, беихтир икки-уч бор қўл соатимга қараб қўйдим.

— Ишга кечикяқсиз, шекилли. Сал вақтларок чикканнингизда автобусга улгурардингиз, — деди у.

— Э, уйни иши ҳеч тугамайди, югуриб-елиб соатга ҳам қарамабман. Акси бўлади-да ўзи, бугун барвақтроқ боришим керак эди, — дедим хўрсиниб.

— Сен орканга қайтасанми. — Ичимда эса зора катта йўлга олиб чиқиб қўйса, деб ўйладим.

— Қайтаман, молларга қунжарага кетяпман, — деди у хотир-жамгина. Тепасига «Емхона» деб ёзилган бино ёнига келгач машинасини гийқиллатиб тўхтатди.

— Майли, опа, яхши етволдинг, — деди у тушақолинг, дегандай.

Мен раҳмат айтиб машинадан тушдим. Яна юрагим дуқуллаб машина кута бошла-

дим. Ваҳоланки, катта йўлга-ча машинада беш дақиқалик йўл қолганди. Жамол тушмагур олиб чиқиб қўйса унча кўп нарса йўқотмасди-ку, деб ўқувчимнинг ҳаракатларидан ранжирканман, негадир ўзимдан хафа эдим. Тўғрида, балки мактабда турли фанлар қатори одамийлик, оқибат каби инсоний хислатлардан ҳам сабоқ берганимда балки хозир шу аҳволда қолмасдим. Ахир беш йил мобайнида унга қанча вақтимни, асабимни, билимимни сарфлаган, уни ҳаётда ўз ўрнини топишга баҳоли қураёт хисса қўшгандим-ку. Нахотки шунинг қадри, хурмати бўл-

маса (*Шуларни ўйларканман, ҳар доим ҳаёлимда виқор билан турадиган оқибат аталмиш фазилят уялибена қаддини буккандай бўлди*). Бироқ майли, ҳар ҳолда шу ергача олиб келиб қўйди-ку, инсофи бор экан, танимаганга солиб ўтиб кетса ҳам нима қила олардим. Куни кеча шундай бўлди-ку. Ўзига тўқ онла-да яшайдиган собик ўқувчим билан автобусда чақ-чақлашиб кетдик. Мактаб даврини, менинг меҳрибончилигимнинг завқ билан эслади. Бироқ ўз бекатига келганида шошилиб ўрнидан турди-ю, хайр дейишни ҳам унутиб тушиб кетди. Мен эса меҳнатларимдан миннат-

дор бўлган ўқувчим учун йўл ҳақини тўлаб юборишни ният қилганимча пулимни чангаллаб қолавердим. Ана шу ҳаёл менга таскин бўлди.

Тагин сиз бу қанақа муаллим бўлди нега ҳаммага тама билан қаряпти, деб ўйланган. Мушлақо бундай демокчи эмасман. Фақат нега йилдан-йилга ота-бола, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, ака-ука, опа-сингил, устоз-шогирд умуман одамлар орасидаги оқибат йўқолиб борапти, бунинг учун ким айбдор, деган савол дилимни эзяпти. Сиз шунга нима дейсиз, газетхон!?

Муҳаббат ҲАМИДОВА

# «БИЗ БАХТЛИ БЎЛАМИЗ... АЛБАТТА»

Бу мактабга «Ўзимиз биламиз» дея кириб, «Биз ҳеч нарсани билмас эканмиз», деган иқроор билан чиқиб кетинмоқда



## Бузилган кўнғирок

«Онам ишга кетдилар. Кечроқ қайтарканлар. Сен ишдан қайтганингдан сўнг музлатгичдан гўшти олиб тузлаб, кечга овқат қилиб қўяркансан...» Психолог ташқарида кутиб турган бўлғуси кувёвларни бирмабир чақирди. Биринчи йигитга юқоридаги хатни ўқиб берди, йигит эшитганини ташқарида кириб келган иккинчи йигитга сўзлаб берди. Иккинчи йигит эшитганини учинчи йигитга... Охириги йигит эшитганини шундай шарҳлади: «Музлатгичда овқат бор экан, гўшт бузилибди...»

Психолог: ана кўрдингизми асл гапнинг одамларга бошқача талкинда етиб келганини. Хат мазмунини эшитган ҳар бир йигит айтилган асосий гапларни бузиб талкин этди. «Кўшнига айтсанг қўшади, овулга айтсанг ошади», деб бежиз айтишмаган ота-боболарини. Ёш оилаларнинг ажрашишига баъзида мана шундай оддий гапнинг нотўғри етиб келиши сабаб бўлаётгани — бу чинакам фожиа...

Бу «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Навоий шаҳридаги «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактабида» ўтказилган дарсдан бир лавҳа. Бўлғуси келин-куёвларга ҳеч қандай панд-насихатсиз, оддий, содда усулда тушунтирилган бундай мисоллар бир умрга сабоқ бўлиши шубҳасиз.

— Ёшлар билан мана шундай методлар орқали дарс ўтиш жуда мароқли. Кўриб турганингиздек дарснинг биринчи кунни хатто бир-биридан тортиниб турган бўлғуси келин-куёвлар учинчи кунга келиб анча бир-бирларини ўрганишди, яъни бир-бирини кашф қилишди, — дейди психолог Дилмурод Сафаров. — Ёшларнинг биз психологларга умуман ҳар бир дарс ўтувчиға саволлари жуда кўп. Хатто кўпчилиги биз билан кейинчалик ҳам мулоқотда бўлиб туриш учун телефон рақамларимизни сўрашади. Чунки дарсларимиз шунчаки насихат ёки маърузадан иборат эмас. Ҳаётини мисоллар, интерфолд ўйинлар орқали ёшларда оила муқаддаслиги тушунчаси сингдирилади.

## Оилага маърифат китоб орқали

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 10 август кунини Шайхонтоҳур туманига ташрифи домида берган топшириғи ҳамда «Оила» маркази томонидан ўтказилган илмий тадқиқот

натижалари асосида республика бўйлаб «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби» фаолияти йўлга қўйилган эди. Илк бор 2018 йилнинг август ойида пилот лойиҳа сифатида Паркент тумани ФХДЭ қошида очилган мактаб кўп ўтмай, яхши натижалар бера бошлади.

— Инновацион мактаблар фаолиятининг мониторинги оила кураётган оид билимга эга бўлиш жуда кўпчилик учун кизиқарли эканини кўрсатмоқда. Ушбу мактаблар битирувчилари орасида хозирга қадар оилавий ажрашчилар, келишмовчиликлар, психолог номуносивликлар кузатилмади, — дейди «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Навоий вилояти бошқармаси бошлиги Маҳфуза Ҳамроева. — Марказ мутахассислари томонидан Тошкентдаги Инха университети ходимлари кўмағида ўмир кизларни мустақил ҳаётга ва турмушга, рўзгор ишларини юритишга, ҳар томонлама оқила оила бекаси бўлишга тайёрлаб бориш учун мўлжалланган «Оила сабоқлари» деб номланган мобил илова яратилган. Шунингдек, янги турмуш кураётган йигит-қизларнинг оила соҳасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мавзусида тавсия ва маслаҳатлар ўрин олган «Мустаҳкам оилага йўлланма» номли энциклопедик ён дафтарча ишлаб чиқилди. Булар сертификатга кўшиб бўлғуси келин-куёвга тақдим этилади.

Дарвоқе, мактабда бўлғуси келин-куёвларнинг ҳар қандай саволига жавоб олиши учун буюк алломаларимиз, таниқли ижодкорларимизнинг оилапарварлик, фарзандлик, келин-куёвлик, қайнона-қайноталикнинг муқаддас бурчларини англаштишга, оилавий ришталарни мустаҳкам боғлашга ва ёшларимизнинг диний-ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилувчи китобларидан таркиб топган «Маърифатли оила кутубхонаси» ва оила мавзусига бағишланган таъсирчан видео ва анимацион фильмлар, видеороликлар, инфографик лавҳалар асосида Медиаатекадан фойдаланиш имконияти яратилган.

Инновацион мактабда таҳсил оладиган никоҳланувчиларга ақборот-коммуникация технологияларининг ёшларбоп, замонавий ютуқларидан, ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланган ҳолда креатив ёндашувлар ва илмий-инновацион усулларда машғулотлар олиб борилмоқда.

## 18 минг жуфтлик — 18 минг бахтли оила

— Оила масаласи фақатгина илмий марказ ёки биргина ташкилотга тегишли эмас. Оилалар мустаҳкамлиги учун маҳалла, кўни-кўшни, ота-она барча бирдек курашиш лозим, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба Содикова. — Хозирга қадар юртимизнинг вилоят ва туман марказларида 137 та инновацион мактаб фаолият олиб бормоқда. Уларнинг фаолиятига 400 дан зиёд мутахассислар жалб этилиб, 18 мингга яқин жуфтлик ёки қарийб 36 минг нафар бўлғуси келин-куёвлар ўқитилди. Ўқув жараёнларини самарали ташкил этиш мақсадида машғулотларнинг интерфолд усулларда, ёшларга кизиқарли қилиб ўтказиш мақсадида эга бўлган психолог, иктисодчи, ҳуқуқшунос каби бир қатор етук экспертлар жалб этилган. Яъни ҳамкорларимиз ҳам бу ишда бизга беминнат ёрдам кўрсатишмоқда.

## Савол қийинми ёки жавоб?

Ёшларга савол билан мурожаат қиламан: «Ёш оилалар, энг фойдаланган машғулотлар қайси бири, деб ҳисоблайсиз?» Улар бир овоздан жавоб беришади: Бизга жуда ёққани «Оилавий ҳаёт психологияси», кейин «Диний ва ахлоқий тарбия» соатлари. — Мен «Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар» мавзусидаги дарслар орқали ўзимни кизиқтирган жуда кўп саволларга жавоб олдим, — дейди бўлғуси келинлардан бири. — Англадимки, янги тушган хонадонларда келинларнинг ҳам ўзига яраша ҳақ-ҳуқуқлари буларкан. Айниқса репродуктив саломатлик дарслари орқали жуда кўп маълумотларга эга бўлдим. Баъзида қизлар, келинлар саломатлик борасида ўзини қийнаётган саволни кимга беришни, ким билан маслаҳатлашни билмаслиги рост. Бу ёни менталитет...

— Баъзан савол қийин, жавоби ундан қийин. Ушбу мавзунинг йигит ва қизларга алоҳида ўтирилиши ва биз хатто оналаримиздан сўрашга-да истихола қиладиган муаммоли саволларга жавоб топганимдан хурсандман, — дейди яна бир келинчақ. — Рўзгорни зиммага олиш масъулиятига шунчаки енгил қарар эканмиз, — дейди турмуш қуриш оstonасида турган бўлғуси кувёвлардан бири. — «Оила бюджети ва иктисодиёт»



деган дарс давомида бу ҳақда кўп фойдаланган машғулотларни ўргандик. Оддийгина тежамкорлик нафақат аёллар, балки биз эркеклар учун ҳам шунчалик аҳамиятли эканини тўғриси аввал тасаввур ҳам килолмас эканман.

## Ўзаро тушуниш — бахт қалити

— Сатторовлар оиласи, яъни Отабек ва Маржона мана шу мактабда ўқиган, турмуш қурганига тўрт ой бўлди, сертификатини рамкага солиб уйининг тўрига қўйганининг ўзи ёшларда мустаҳкам оилага нисбатан тушунча пайдо бўлгани исботи, — дейди Кармана тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Рўзигул Зиёдуллаева. — Маҳалламизда икки нафар шундай мактабда ўқиган ёшларимиз бор. Айни пайтда бу ёш оила вакиллари ФХДЭга ариза топширган тенгдошларини мана шу мактабда ўқишга чорламоқда.

Биз Сатторовлар хонадонига ташриф буюрдик. Ҳар доимгидек янги келинчақ хос кийимда меҳмонларга салом қилди. Дастурхон атрофида тақлиф этди. Барча шарт-шароити яратилган хонадон келинига, очинги, хавасимиз келди. Сўнги русумдаги телевизордан тортиб уй жиҳозларигача дид билан жойлаштирилган.

Ўйлаётган, ҳеч нарсадан камий бўл ёшлар фақат бир-бирлари билан муроаса қилиб яшасан бўлди. Айнан бир-бирини тушунмаслик туйғайли қанча оилалар ажрашиб кетаётганини эшитяпмиз. Демак, мана шундай мактабларнинг ташкил қилиниши айна мудоао.

— Бу мактаб дарсларини кузатиш хатто қайноналар ўрганиши керак бўлган нарсалар борлигини англаб етасиз, — дейди ушбу маҳалла фуқароси, қайнона Шо-

ира Файзиева. — Масалан, эмпатия — кўпчилик ёдидан чиқариб юборадиган асосий инсоний хусусият. Бу бошқа одамнинг кечинмаларини ҳис эта билиш, яъни бировнинг дардига шерик бўлиш дегани экан. Яъни биз инсонлар ўзгаларнинг кечинмаларини менсимаслик туйғайли жуда кўп тушунмовчиликлар келиб чиқади. Бу гап фақат келинларда эмас қайнона қайноталарда, ўғилда умуман ҳар биримизда ўзганинг дардига шерик бўлиш фазилати бўлиши лозим. Хонадонимга келин келганига 4 ой бўлган бўлса бирон марта танбех эшитмади. Тўғри, ушбу мактабда ёшларга қийин вазиятлардан оқилона йўл билан чиқиб кетиш, ҳар қандай гапни ўзига олма-слик, ҳушмуомала келин бўлиш йўл-йўриқлари ўргатилади. Лекин масаланинг иккинчи томони бор, келин мана шу мактабда ўқиганларини қўлласа, оиласини мустаҳкамлашга ҳаракат қилсаю, биз учинчи шахс — яъни қайнона, қайнона, оловини қайнэтгачилар унинг яхшилигини сунистеъмол қилсақ, қилдан қийик ахтарасак, ахир келин ҳам ўқиганларини унутишига тўғри келади. Шунинг учун хоҳлардимки, учинчи шахслар учун ҳам лоақал бир кунлик мана шундай ўқув машғулотлари олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Аммо мен қайнона сифатида янги ҳаётга қўйиб олиши жараёнида келинни ҳафа қилишга ҳеч қандай ҳаққи йўқлигини бир лаҳза ҳам унутмайман...

«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Навоий вилояти бошқармасининг «Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби» ташкил этилганига 6 ойдан ошмаган бўлса-да хозирги кунга қадар 151 жуфт бўлғуси келин-куёвлар дастур асосида ўқитилиб, сертификат билан тақдирланган. Демак, мана шунча оиланинг мустаҳкамлиги кафолатланган...

Уч кунда 18 соатлик сабоқ тугади. Дастлаб бундай мактабнинг борлигини эшитган ва «биз ўзимиз ҳамма нарсани ўқимасак ҳам яхши биламиз», деган фикрда келган ёшларнинг нигоҳида ўзгача бир тарадудни кўрдик. Баъзиларнинг биз жуда кўп нарсаларни билмас эканмиз, хатто оила қуришга тайёр эмас эканмиз, деган иқроорларини эшитдик. Энг муҳими эса жуфт-жуфт бўлиб ўтирган ёшларнинг мана шу мактаб туйғайли бир-бирига муҳаббати янада ошганини, қалбларини чуқурроқ англаб етганларини ҳис қилдик. Том маънода, улар бир-бирини бошқадан кашф қилишди, машғулотлар жараёнида ҳамфиқр, ҳамжихатликда оилада келиб чиқиши мумкин бўлган низолаға ечим топишди, йўл қидиришди. Қувонарлиси, психологлар ҳаётининг ажралмас қисми эканлигини шу мактаб орқали англаб етишди. Уларнинг кўзидеги ифодалар эса биз албатта бахтли бўламыз, чунки оила бу шунчаки одамларнинг бирга яшаси эмас, балки гўнгилларнинг, дилларнинг бир-бирига пайванданиши, деган янги ҳаётга янги-ча қарашни англаш мумкин эди.

Дунёда турфа тақдирли инсонлар яшайди. Уларнинг матонатли ҳаёт тарзи нафақат имконияти чекланган кишилар, балки соппа-соғ бўла туриб муваффақиятсизликдан нолиб яшайдиганлар учун ҳам ўрناق бўлиши мумкин. Оёқ-кўлсиз туғилиб, матонат тимсолига айланган Николас Вуиччи билан турмуш қурган Канае Мийахара исмли америкалик япон кизи ҳақида эшитганмисиз? У киз ўзининг комилликка тўла инсоний қалб соҳибаси эканини исбот қилолди. Аслида японларда комил инсон тушунчаси қайси тамойиллар асосида шаклланишини ўқиб-изланиб ўрганиш мушкул. Буни англаш учун буюк қалб соҳиб бўлиш керак.

## ЎЗБЕК ХОНАДОНИДА

# ЯПОН КЕЛТИНЧАК

Кўшкўпир туманига келин бўлиб келган япониялик Микако Сугаварани ҳам катта қалб эгаси дейиш мумкин. У Ҳозовот қишлоғида яшовчи Нурбек Рўзметов билан турмуш қуриб, бахтли ҳаёт кечирмоқда...

Нурбек акаси Умиджон ва бошқа ҳамқишлоқлари билан Тошкентда курилиш фирмасига ишга кирди. Уларнинг зиммасига янги қурилган катта бир ошхона биносининг сўнгги пардозлаш ишлари топширилган эди. Ишчилар биносининг тайёр бўлган қисмида ётиб юришарди.

Кунардан бир кун... фалокат оёқ остида деганларидай, сахармардонда бинода ёнгин чикди. Олов кўз очиб юмгунча биносининг ҳамма жойини эгаллаб олди. Чўчиб уйғонган йигитлар ташқарига чиқишга уриндилар, бироқ қоронғида чиқиш йўлагини топа олмасдан аччиқ тутунда бўғилиб ҳушдан кетишди.

Бу фалокат туфайли Нурбек олтмиш фоиз куйиш жароҳати олди. У Тошкентда касалхонада даволанарди. Кутилмаганда шифохонага Япониядан уч нафар шифокор хизмат сафари билан ташриф буюришди. Уларнинг орасида Микако Сугавара ҳам бор эди. Унинг зиммасига

Нурбекка қараш вазифаси юклатилган эди. Микако беморнинг боши узра парвона бўлиб, иссиғи ва қон босимини ўлчаб қўяр, қошиқ билан овқат едирарди. Бу меҳрибончилик Нурбекка ижобий таъсир қилиб, тез тузала бошлади. Аммо танасининг ҳамма жойи куйгани боис қайта-қайта жароҳлик амалиётини бошдан кечирди. У икки йил касалхонада ётиб даволанди.

2011 йил кузида Нурбек қўлтиқтаёққа суянганча касалхонадан уйига қайтди. У шунга ҳам жуда хурсанд бўлди. Ахир у деярли жонсиз танага айланган қолганди-да.

Микако озроқ муддат хоразмлик йигитдан хабар олиб турди. Сўнг эса ўз юртига жўнаб кетди. Нурбек унга ўрганиб қолган экан, ўзини жуда ёлғиз ҳис қила бошлади. Аксига олиб, кизнинг телефон рақамини ҳам олмаганди. Россияда ишлаётган оғаси Умидбекдан интернет орқали Микакони излаб топишни илтимос қилди. Ният холис бўлса, Худо мададкор бўларкан, орадан беш йил ўтиб Нурбек Микакони топди.

Микако Сугавара Тошкентда ишлаган йиллари ўзбек тилини жуда яхши ўрганиб олганди. У Нурбекка эхтиромга тўла хабарлар ёзди, телефон орқали гаплашиб



туришди. Бир куни йигит халоскор япон кизини Хоразмга таклиф қилди.

– Япониядан Хивага сайёҳ бўлиб келган Микакони тантана билан кутиб олдик, – дейди Нурбекнинг онаси Гавҳаржон биби. – Ўн кун давомида ўғлим унинг ёнидан бир қадам нари жлмади. Кўнгли унга боғланиб қолганини ўшанда ҳис қилдим.

Ёшлар турмуш қуришга қарор қилишди. Олдинга Микаконинг ота-онаси қаттиқ қаршилик билдирди. Қизининг қарори қатъийлигини кўргач, тўйга изн беришди. Тўй Кўшкўпирнинг Ҳозовот қишлоғида бўлиб ўтди. Қувв ҳамроҳлигида япон кизи ўзбекона либосларда тавозе билан даврага қадам қўйганида барча меҳмонлар уларни олқишлашди.

– Келинимнинг ота-онаси ҳам тўйга етиб келишди. Уларга ўзбекона миллий таомлар жуда ёқди. Палов еса ҳам, боғимиздан анжир териб еса ҳам «Ох, мазали!» деб қўйишарди. Уларнинг қўлидан «Ўзбекча-японча сўзлашгич» китобчаси тушмасди, – дея гурунгни давом эттиради Гавҳаржон биби.

– Микако менда ҳаётга, яшашга умид уйғотди, касаллик ва изтироблар билан


мардона курашишга ундади. Ўлмай қолишим сабаби у деб ўйлайман, – дейди тўлкинли Нурбек қароқларига севинч ёшлари жикка тўларкан. – Биз унга Гўзалой деб ўзбекча исм қўйдик. Микаконинг бизнинг она тилимиздаги маъноси шу экан. Баҳорда у менга қўчқордек ўғил туғиб берди. Иسمи Нажотбек. Чақалоққа ўзбекча алла айтишини кўрсангиз эди...

Хоразмнинг олис бир қишлоғидаги Рўзметовлар хонадониди япониялик келинчақ ўзбекона кийинганча қўни-қўшилари таъзим қилади, ховли супиради, ош дамлайди, боласига аллалар айтади. Ҳозир унинг касби ақушер-гениколог.

– Мен хоразмлик ёшларга япон тилини ҳам ўргатишим мумкин. Бунинг учун тегишли руҳсатнома олиш ниятидаман. Қўшилларнинг болалари: «Микако бийи (яна), бизга япон тилини ўргатинг», деб келишади. Бундан жуда хурсанд бўламан, чунки тил билган қалқларга йўл топади. Мен ўзбекчани яхши билганим учун ҳам Нурбекнинг кўнгли хисларини англаб ета олдим, – дейди Микако Сугавара.

Эрпўлат БАХТ,  
Меҳрибон ТИЛЛАЕВА

## ИНСОН БЎЛ, ОЗОР БЕРМА!



Inson bo'l

#ozorberma

Болалигимда Қоплон лақабли итим бор эди. У қаҳратон киш фаслида болалади. Совук юзни чимчилар, кучукчалар эса онасининг пинжига сукулиб, дағ-дағ қалтирарди. Мен бу ҳолатга эътиборсизлик қилибман. Эрта тонгда қарасам, тўрттала кучукча ҳам совукдан қотиб қолган экан...

Тушга яқин кучукларни боғ четидаги холи жойга қўмиш учун уйчага бордим. Уларни қўлимга оламан деб энгашган эдим, Қоплон вазоҳат билан менга иррилади, ўзимни тик тутдим, орқага тисарилдим. Итдаги чексиз оналик меҳрини кўриб ҳайратландим, таъсирланиб йиғлаб юборган эдим.

Яқинда ижтимоий тармоқларда Самарқанд вилоятида уй ҳайвонларини ёппасига «кириб» ташланганини ўқиб қарақ бўлиб қолдим. Уларга сосисага дори (сарарқунандаларга мўлжалланган заҳар) кўшиб берилган. Қандай ваҳшийлик? Бехитёр титраб кетасан киши. Наҳотки, инсонлар орасида ана шундай бемехр, тошбағир кимсалар ҳам бўлса?..

Ёки Қорақалпоғистонда бир гуруҳ броконерлар томонидан кийикларни овлаб, ўлдирилишини олайлик. Ёқангни ушлайсан. Пайти келса одамдан ҳам меҳрибон, вафодор, садоқатли жонзотларга бу қадар хунрезликни қандай дийдаси қаттиқ кимсалар амалга оширганга ҳайрон бўласиз. Албатта, Самарқанддаги ҳолат бўйича кейинчалик текширув ишлари олиб борилган,

мазкур жараён юзасидан айбдорлар жазоланган. Бирок, жонзотлар ўлди-ку, улар қайтмайди энди. Энг ёмони, тегишли мутасаддилар бундан ўзларига гулоша чиқариб олишдимикан?

«Хатико» кинофильмини кўрган бўлсангиз керак, инсоният оламида шов-шувларга сабаб бўлган эди. Эгаси вафотидан сўнг ит уни ўзи доим кутиб оладиган вокзал қаршисида 9 йил кутиб яшайди. Охир-оқибат эса соғинч дарди билан кўз юмади. Унинг ўлган куни бутун Японияда мотам куни деб эълон қилинади. 1943 йил жаҳон уруши учун қурол-аслаҳаларга металл керак бўлгани учун Хатиконинг шарафига ўрнатилган хайкални бузишди. Лекин, ҳақиқий дўстнинг содиқлигини унутмаган япон халқи уруш тугаши билан унинг номига қайта хайкал ўрнатишади. 1950 йил Хатиконинг 50 йиллиги шарафига фильм премьераси бўлиб ўтади. Реал ҳаётий воқеаларга асосланган фильм жонзотнинг инсонга содиқ дўстлиги ҳақида сўзлайди. Кейинчалик фильмнинг америкаликлар ишлаган варианты ҳам миллионлаб инсонлар қалбини забт этади. Чинакам меҳр-оқибат, инсонийлик, садоқат, сабр, мухаббат, сифатларидан сўзлайди бу киноасар.

Бир танишим айтиб қолди: «Туркияга сафарим чоғида, кўчада дайди ит, мушукларни ва уларга бўлган муносабатни кўриб, ҳайратимни яшира олмаганман. Катталиги кўйдек келадиган итлар Истан-

булда юзлаб туристлар ва маҳаллий аҳоли орасида бемалол сайр қилиб, ухлаб ётибди. Қўлоқларида сариқ ёрлик, эмланиб кастрация ҳам қилинган экан. Ҳеч кимга ташланмайди, беозор. Қайтанга бу ҳам туристларнинг Туркияга келиши учун ўзига хос бир сабаб. Бир йили қишда қаттиқ совуқ бўлганида одамлар ёпинчиклар олиб, итларнинг устига ёпиб чиқишган экан. Бу ҳолат ОАВда кенг ёритилган ва қўшлаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлган...»

Этда-чи? Самарқанд вилоятида рўй берган юқоридаги хунук ҳолат ҳайвонларга бўлган муносабатини кўрсатиб қўймадим? Назаримда ҳайвонлар муҳофазаси учун ҳам қонунларимизда қатъий метёрлар белгилаш вақти келди. Она табиатга ва унинг жонзотларига бўлган муносабатлар эътиборсиз қолиши мумкин эмас.

Этда-чи? Самарқанд вилоятида рўй берган юқоридаги хунук ҳолат ҳайвонларга бўлган муносабатини кўрсатиб қўймадим? Назаримда ҳайвонлар муҳофазаси учун ҳам қонунларимизда қатъий метёрлар белгилаш вақти келди. Она табиатга ва унинг жонзотларига бўлган муносабатлар эътиборсиз қолиши мумкин эмас.

Фақатгина у барча жонли мавжудотлар ҳақида тафаккур қила олади. Шундай экан, инсон бўлайлик, жониворларга озор бермайлик!

Ислом АСИЛБЕКОВ,  
ЎзЖОКУ талабаси



## ГУГУРТНИ ЎҚИШДАН ОЛДИН

яшил оламга етаётган хавфни мулоҳаза қилиб кўрайлик

Куз ва баҳор ойларида инсон саломатлигининг беқарорлашиши кўп кузатилади. Биласизми нега? Бу атроф-муҳитдаги ўзгаришлар билан боғлиқ.

Табиатдаги иқлим ўзгариши инсон саломатлигига муайян даражада таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, атроф-муҳит, экология ва табиатга инсон омили томонидан etkazилатган зарарли таъсир натижасида бутун борлик – ер, сув, атмосфера ва инсон бирдай зарар кўради.

Инсонларнинг касалликларга чалиниш ҳолатини кузатсак, нафас олиш тизими хасталиклари айниқса куз ойларида кучайганининг гувоҳи бўламиз. Бу эса, кунда яшил муҳитнинг нисбатан камайиши ҳамда ҳавода зарарли газлар ҳажмининг ортиши туфайли юз беради.

Статистик маълумотларга кўра, сайёрамизда ҳар йили ташки муҳитга 70 миллион метр куб захарли газ, 50 миллион тонна метан, 13 миллион тоннага яқин азот қуёндиси чиқарилмоқда. Океанларга 10 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ҳавзаларига 32 километр куб ифлос санонат сувлари куйилмоқда. 11 миллион гектар ўрмон қесилмоқда ва ёниб кетмоқда. Бундай катта талафотлар инсон саломатлигига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта. Биз океанлардан анча узоқда яшасак-да, атроф-муҳитнинг инсон омили туфайли булғанишидан ўзимизни четга олиб қочолмаймиз. Сабаби, манший чикиндиларни нотўғри тасарруф қилиш, белгиланмаган жойларга ўзбошимчалик билан утилизация қилиш ёки ёки ташлаш ҳоллари, афсуски, кўп кузатилади. Айниқса, куз келиб, яшил муҳит бирқадар камайганида инсон учун фойдали газлар ва кислород ўрнини ёқилган хазонлардан кўтариладиган зарарли газлар эгаллашни жуда ачинарлидир.

**Бир тонна куруқ барг ёқилганда ҳавога 30 килограмм зарарли чиқинди ажралиб чиқади. Уларнинг таркибиде инсон учун энг захарли моддалар, ҳусусан, диоксин бор.**

Инсон саломатлигига атмосферадаги зарарли газлар орқали фақат канцероген моддалар таъсир қилибгина қолмай, балки бошқа кимёвий моддалар ҳам хавф туғдиради. Уларнинг саломатликка салбий таъсири йил сайин анча кучайиб бориши кузатилади. Ҳаво захарли моддалар билан тўйинади, унда оғир ионлар кўпаяди. Кўёш нурунинг атмосферада тарқалиши, ерга етиб келиши ҳам ўзгаради. Оқибатда аҳоли ўртасида сурункали бронхит, ўпка саратони ва силдан касалланиш ҳолатлари кўпаяди.

Ўсимликларни ёққанда уларга сепилган пестицидлар ажралиб чиқishi мумкин. Шу билан бирга ҳавога чанг, ис, азот, канцерогенларнинг айрим турлари аралашади – уларнинг барчаси ўпкага ва кизилўнғачга зарар келтириб, буйрак билан жигар фаолиятига таъсир

қилиб, иммунитетни суслаштиради.

Хазон тутуни организмда ўсимталар пайдо қиладиган моддаларни тамаки тутунига нисбатан 350 марта кўп чиқаради. Лекин айниқса вояга етмаганларни тамаки ва чекишнинг зарарли оқибатларидан жиддий муҳофаза қилганимиз ҳолда ҳовлимизда тўпланиб қолган хазонларни ёқишни бола-ларга ўзимиз буюрамиз. Уларни шу йўл билан захарлаётганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Болаларда атроф-муҳитдан ажралаётган зарарли газларга нисбатан эътиборсизлик кайфиятини шакллантириб борамиз. Шу йўл билан уларнинг нафас олиш тизимида ўткир ва сурункали хасталиклар юзага келишига сабабчи бўлиб қоламиз.

Хазонларни ёқиш инсон саломатлиги, ер, сув, ўсимликлар, ҳайвонлар ва атмосфера учун қай даражада хатарли эканини кўпчилик мулоҳаза қилолмайди. Куруқ барглари ёқиш орқали уларнинг ичиде кишлайдиган фойдали курт-қумурскаларга ҳам қирон етади. Бора-бора табиий мувозанатни сақлаб турадиган бундай фойдали хашаротлар бутунлай йўқ бўлиб кетиши хавфи туғилади. Хазон ёқиш асосидаги олов ўсимликлар уруғлари ва илдиларини йўқ қилиб, дарактларнинг пастки қисмига ва илдиларининг юқори қисмига зарар келтиради. Натижада, хазон ёқиш жараёнидаги нотўғри тадбир яшил оламга ҳам каттагина талафот etkazади. Шунингдек, хазонларни йўқ қилиш тупроқнинг музлашиши икки-тўрт баробаргача кучайтиради. Ёқилган хазонлардан қолган кул ер учун ўта зарарли ашё. У фойдали ўғит бўла олмайди. Аксинча, ёмон таъсир ўтказиб, тупроқнинг фойдали хусусиятларини ҳам йўққа чиқаради. Агар куз пайтида хазонлар ёқиб юборилмасдан, бир жойга тўплаб, усти нам тупроқ билан ёпиб қўйилса, баҳорга келиб, у тупроқ учун анча фойдали ўғитга айланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 88-моддаси 3-қисмига мувофиқ дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шабаларни ёқиш ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юборган мансабдор шахслар ва бошқа фуқаролар атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришни учун жаримага тортилади. Яъни: фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробаридан беш баробаригача, мансабдор шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача маъмурий жарима солинади.

Атрофимизни қуршаб турган табиий муҳитга оқилона муносабатда бўлиш бир қанча муаммоларнинг олдини олади. Инсонда хавфли ва сурункали касалликлар пайдо бўлишидан ҳимоя қилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳар бир инсон атроф-муҳитдаги ҳар бир борликка ҳурмат билан ҳамда оқилона муносабатда бўлиши, уни асраб-авайлаши зарур.

Алишер РАҲИМОВ

Бир бориб кўринг

## «КЕЛИНТОШ»

Қояга чирмашиб чиқиш учун хийлагина тер тўкишимга тўғри келди. «Пастликка қараманг, бошингиз айланади. Қиррадор шаклдаги қоянинг кемтик жойига охишта оёқ қўйинг. Ана шунда тепага кўтарилишингиз осонлашади...» Ёнимда пилдираб, худди катталардек дадил, мардона одимлаб келаётган муштдеккина болақайнинг амрига бўйсуниндан бошқа иложим қолмади... «Бу бошқа гап. Кейинги сафар қояга чиққудек бўлсангиз, бу нарсаларни билиб олганингиз яхши, керак бўлади. Мана, хаш-паш дегунча тик тоғда қандай одимлашни яхшигина ўзлаштириб олдингиз».

Болақай рост сўзлаган экан. Ҳаял ўтмай тепада ҳозир бўлдим. Шундоқкина ёнимда шамол қора булутлар қарвонини худди подани олдига солиб кетаётган чўпондек ҳайдаб боряпти. Сал наридаги қояга маҳкам ўрнашиб олган улкан бургут чор-атрофни олазарак кузатади. Кузғунлар бир жойга тўпланиб олганича, бир-бирининг пинжиге бош суқади. Улар бу машғулотга шунчалик берилиб кетганидан, бошқа ҳеч нарсага ҳуши йўқ эди. Рости, бу манзилдаги манзараларни таърифлаб беришнинг ўзи иложи йўқ.

Одам гавдасини ёдга соладиган, ибодатга берилган аёл, йиғлаётган болақай, сурув-сурув қўй-қўзиларни боқиб юрган чўпонни эслатадиган тошлар шунчалар серобки, беихтиёр уларнинг қай бирини томоша қилишни билмасдан эсанкираб қоласан, киши. Устига-устак нонтош, кенг, ёйиқ супа ҳамда бир қараганда товуқ тухумини эслатиб юборадиган тошларнинг савлат тўқиб туришини айтмайсизми? Синчиклаб қарасангиз, худди янги тушган суксурдай, сулув келинчақка қуйиб қўйгандек жуда-жуда ўхшаб кетадиган тош эса сизга астойдил таъзим қилиб, эгилиб салом бераётгандек таассурот қолдиради.



Галлаорол туманида Қоронғул деган қадимий қишлоқ бор. Гўшанинг тарихи ҳам жуда қадимий. Одамлари асосан чорвачилик, дехқончилик ҳамда боғдорчилик билан тирикчилик ўтказади. Ана шу сўлим ва мафтункор қишлоқнинг турли жойдан турлича шаклда, жилоланиб кўринадиган тошлар бир ён бўлса, дара бўйлаб баландликка кўтарилишингиз ҳамон, қоятошлардаги бир-бирдан ажиб, нафис ишланган турфа суратлар бир ён бўлиб сизни қарши олади. Сурув ортидан секин-аста юриб келаётган чўпон, шохлари буралиб кетган, сузишга ошиқайтган тоғ эчкиси, арҳар ҳамда уй ҳайвонларининг тасвирлари ҳаёлимизда кўпгина аjoyиб хотира-ларни гавдалантириб юбориши аниқ. Йигирма бешга яқин сурат ва тасвирларни астойдил томоша қила туриб, ҳаёл қурғур каминани олиб боллар замонага бошлаб кетди. Синчиклаб, тикилиб қарасам бу тошлар Навбахорнинг Сармиш дарасидаги ўн минглаб тошларга мангуга муҳриланган расмлардан ўзининг ҳажми, диаметри ва кўриниши билан тубдан фарқ қилар экан. Ҳа, ҳар гулнинг ўз атри ва ифори бор-да.

Бу мафтункор гўшанинг табиати ҳам ажабтовор. Қайноқ ёз кунлари пастдаги қишлоқларда одамнинг нафасини сиқадиган иссиқ бўлиб турган бир кезде, бу ерда қалинроқ кийинмасангиз танангиз салқин шабададан жунжикади. Шу боисдан ҳам кўпчилик маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни ушбу ошён оҳанрабодек ўзига тортгани-тортган.

...Тепадан кузатиб турсам бир кулранг тулки оғзига каттақон юмронқозикни тишлаб олганича ини томон ошиқиб кетаётганига кўзим тушди. Гарчанд тулкини баланд қоя устидаги кирғий кузатиб турган бўлса-да, негидир кимир этмади. Улкан куш ё ўлжани назар-писанд этмади ёки унинг емак егиси йўқ. Пастликда олиб аждодлари динозаврларни ёдга солиб юборадиган хийлагина йирик эчкимар ўзини офтобда товлаб, худди пуфак мисоли шишишга ҳозирлик қўриб турибди. Ёнида қуймаланиб юрган болалари она эчкимарни диққат билан кузатиб, бу қизик ва ажабтовор хунарни ўзлаштириб олиш пайида. Шу қишлоқда умргузаронлик қилиб келаётган аҳолининг айтишича, бу жониворларнинг тақдири шу манзилдаги турли шакллари эслатувчи тошлар ҳамда аждодларимиздан бизга мерос қолган нафис расмлар билан узвий боғлиқ экан. Бир қараганда эчкимар ҳамда бошқа жониворлар аждодлардан қолган мислсиз бойлиқни кўз қорачиги мисол қўриқлаётганга ўхшайди. Аслида ҳам шундай. Бунга олиб Галлаоролнинг Қоронғул қишлоғида кўним топган тоғ-тошларни, дара-ю, сойларни, зирваларни кезганимда тўла-тўқис иқрор бўлдим.

Юртимизнинг жаннатга менгзаса бўладиган бундай аjoyиб ошёнларига асло кўз тегмасин, деган ёруғ ниятда ортга қайтдим.

Луғбек ЖУМАЕВ

# ЕРИ ЯҚИН «ЖАННАТ» ДЕГАН МАҚОМГА

## ёхуд Тошкент вилоятининг бугунги салоҳиятидан бир шингил

Тошкент вилояти Буюк Ипак йўлининг шундоқкина чорраҳасида жойлашгани учунгина катта ва улкан аҳамиятга молик манзил ҳисобланади. Шундан бўлса керак, Мовароуннаҳрнинг бир вақтлар кўзга яқин шаҳри бўлган, солланиб оқётган Сирдарё қирғоқларида савлат тўкиб турган «Шоҳрухия» қалъасини кўришга келаётган саёҳларнинг қадами узилмайди.



O'zbekiston  
kasaba  
uyushmalari  
Federatsiyasi

### МЕХРНИНГ АДОҚСИЗ ЖИЛВАЛАРИ

*Бекободдан, Бўстонлиқдан,  
Озод одам шод, фаровон,  
Чирчиқда бор ГЭС чагарон,  
Дарёларнинг буриб изин,  
Фарҳод топар ўз Ширинин.*

Очғи, пойтахтга туташиб кетган Тошкент вилоятига илк кадам ранжида қилган чоғларим, бу гўша одамларидоғи мағрурлик ва фахр-ифтихор ҳисси мени беҳад ҳайратлантирган эди. Чиндан ҳам, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Чунки, нон шаҳри дея тилдан тушмайдиган пойтахт ҳамда Тошкент вилояти азал-азалдан жон ристалари бир-бирига пайванд бўлиб кетган маъволардан саналади. Шунинг учун бу эл одамлари билан икки шингил суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, тугилиб ўсган юртлири тўғрисидаги мислсиз афсона ва ривоятларни шу қадар кўтаринки кайфият, баланд руҳ билан айтиб беришадик, беихтиёр, юйил қолмасдан ҳеч иложингиз қолмайди.

Бу ердаги инсонларда яшаб келаётган болаларча пок ва бегубор туйғулардан ҳамда самимий ишончдан беихтиёр ғайратингиз ортади. Ўзингизда она юртга меҳр туйғусини шоирларнинг кўнгли тубидан отилиб чиққан юкоридаги дилбар ва ўйноқи сатрлардаги каби рўй-рост хис эта бошлайсиз. Қолаверса, бундай сатрлар одамларни ўз юртидан фахр ва ғурурланишга доимо чорлаб туради.

### ОЗОД ОДАМ ШОД, ФАРОВОН

Кут-барака томчиларидан яшнаган адирлар, ҳосили пишиб етилиб, еллар бошларини оҳиста силаётган бепоён бугдойзорларни кезиб, эл-улусга нон-насиба, ризқ-рўз тилаган меҳнаткаша ва кўли қадок воҳа меҳнат аҳлининг сый-ҳаракатларига ҳар қанча тасаннолар айтса арзийди. Ва шу аснода эртақлардаги сўлим ошёнларни ёдга соладиган Тошкент воҳасининг бугунги қиёфаси бутун бўй-баста билан гавдаланади.

Тошкент вилоятига 1938 йилда асос солинган бўлиб, бугунги кунда унинг маъмурий маркази Нурафшон шаҳри ҳисобланади. У ерга бориш учун пойтахтдан роса ўттиз беш чакирим масофани босиб ўтишга тўғри келади. Қизик ҳолат, вилоятнинг бир учи пойтахтни доимо тоза ҳаво билан таъминлаб турадиган Бўстонлиқ, Қамчиқ довоми ҳамда Паркент тоғларида туташса, иккинчи қисми Тожкистон, Қозоғистон республикалари билан чегарадош, учинчи томондан эса шаҳд ва шиддат билан оқётган Сирдарё соҳилларига ушлашиб кетди. Вилоятнинг умумий майдони 15,6 миң км. квадратни ташкил этади (республикадаги улushi – 3,4 фоизга етади). Еттига шаҳар ва ўн бешта туман



мавжуд. Бугунги кунда вилоятда 2,9 миллион киши умргузаронлик қилади, бу мамлакат умумий аҳолисининг роппа-роса 8,7 фоизига тўғри келади. Қувонарлиси, минтақада ўзбек, қозок, тожик, рус, корейс, татар, бошқирд каби миллатларга мансуб турли хил элатлар бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ истиқомат қилиб келади. Улар бир-бирлари билан киз олиб, киз бериб куда-анда бўлиб кетишган. Эт билан тирноқни бир-биридан асло ажратишининг имкони бўлмагани сингари, бу миллатлар ҳам бир-бирисиз ўзларини ғариб сезишади.

Агар ўхшатиш жоиз бўлса, мен Тошкент вилоятини жуда улкан салоҳиятга эга бўлган манзилга менгзаган бўлардим. Бу фикримни куйидаги рақамлар ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Мисол учун, ялпи худудий маҳсулот – 9,4 фоиз, саноат маҳсулотлари – 14,6, кишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги 12,1, чакана савдо айланмаси – 10,6 фоизга етади. Аслида бу ҳазилакам кўрсаткичлар эмас. Қазилма бойликлари халқимизнинг талай орзу-умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Ана шу ҳолат эътиборга олинчи, бу маъсулятли юмушга жиддий аҳамият қаратилмоқда. Бунинг исботини бугунги кунда вилоятда ўттиз иккита табиий қазилма бойлик конлари топилганидан ҳам билса бўлади. Шу аснода тагин бир юз учта фойдаланилмаётган ойна, керамик плита, мрамар, тош қарьерлари ва цемент хомашёси борлиги аён бўлди. Ғалдаги вазифа ана шу бойликлардан, мислсиз хазинадан халқимиз фаровонлиги учун унумли фойдаланишда қолган.

### ЗАМИН РУҲИ УФУРИБ ТУРАР

Тарих китобларида мадҳ этилган, етти иқлим ҳукмдорларини ошуфта этган Тошкент воҳасини атрофлича, миридан-сиригача билиш, англаш учун энг аввало, шу кўхна замин руҳини вужудингизга сингдиришингизга тўғри келади. Эмишки, эл узок вақтдан буён ардоқлаб, асраб-авайлаб келаётган воҳадаги сон-саноксиз зилол сувлар, яъни булоқлар – шунчаки тоғ-тошлар бағрини ёриб, сизиб чиқадиган об-ҳаёт эмас, эҳтимол покиза фаришталар инъом этган томчилар эканига амин бўласиз. Бу сингари чиройли гапларни қадим заминини севганимиз, беҳад ардоқлаганимиз учунгина айтаётганимиз йўқ. Буни одамлар билан суҳбат жараёнида ангаб етдик. Уларнинг кўзларидан кейинги йиллар бадалида воҳада кенг микёсда амалга оширилаётган бунёдкорлик юмушларидан мамнуният ҳиссини яққол сезиш, ангаш мумкин бўлади. Айниқса, бу нарса мамлакатимиз Президентининг

шу йил Тошкент вилоятига уюштирган навбатдаги сафари чоғида аниқ сезилди. Мазкур ташрифдан сўнг воҳанинг барча шаҳар, кишлоқ ва овуллари мислсиз қурилишлар майдонига айланиб кетди. Сон-саноксиз кўприклар қурилмоқда, кўчалар ободонлаштириляпти, янги иншоотлар барпо этилмоқда. Кетма-кет янги ғояларга қўл уриляпти.

– Одамлари меҳнат қилишдан, топганларини доимо яхшиликларга сарф қилиб, кекса-ю ёшнинг дуосини, олқишини олишни ўзига доимий одат қилиб олган Тошкент вилоятининг нуфузи ва салоҳияти ўта баланд. Айнан шу гапларни мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев қачон воҳага келсалар, зўр фахр ва ғурур билан сўзлайдилар, – дейди **Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муроджон НОСИРОВ**. – Албатта, бундайин фикрларда тўла асос бор. Мисол учун, шу йилги ташрифлари давомида вилоят ривожини учун давлат раҳбари оз эмас, кўп эмас – бир триллион бир миллиард сўмдан кўп маблағ ажратди. Шубуҳасиз, ажратилган мазкур маблағлар воҳа қаддини тиклашга, ободончиликка, одамларнинг турмуш шароитларини янада яхшилашга, қўшма корхоналар ташкил этиш сингари хайрли ва савобли ишларга йўналтирилмоқда. Шу мақсадда бугунги кунда вилоятнинг барча гўшалари улкан қурилиш майдонига айланган, десам муболага бўлмайди.

Вилоятда ер юзининг гултожи бўлган инсонларнинг кўнглига туккан орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун жиддий ишлар кетяпти. Биргина ана шу эзгу ва савобли мақсадни амалга ошириш учун кўплаб кекса ёшдаги инсонлар сихатгоҳларда дам олиб қайтишди, ёш келин-куёвларнинг никоҳ, ота-онасидан айрилган болақайларнинг хатна тўйлари қанда қилмасдан ўтказиб турилибди.

– Умуман олганда «Инсон манфаати барча нарсадан устун», деган тамойил вилоят касаба уюшмалари ташкилотларининг бош мақсадига айланган, – дейди **Тошкент вилояти Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Рашидов**. – Жамоа одамлар ҳақ-ҳуқуқлари ва инсоний манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга доимо тайёр. Бир сўз билан айтганда, вилоят салоҳиятини кўтариш учун барча бирдек меҳнат қилмоқда.

### ШАМОЛЛАРГА ДИЛИМ ЁРДИМ...

Баъзан турмуш ташвишларидан, кундалик гала-ғовурлардан кўнгли бешиб кетади. Шу маҳалда одамни маълум вақт

ёлғиз қолгиси, ўзининг чексиз ва тубсиз ҳаёллар кучоғига отгиси келади. Барча нарсани унутиб, салобатли ва осмон билан бўйлашган тоғларга, аргумоқлар қишлоғига, гул-чечакларнинг хушбўй ифориға лиммо-лим тўлган гўшаларга чиқиб кетгил келади. Бунинг учун Тошкент вилояти тоғларидан соз ошён бўлмаса керак. Ростдан ҳам, бу макон хушманзара, инсон кўнглини кўтариб, ажаблантирадиган сўлим гўшаларга бой. Вилоятда дам олиш масканлари 182 тага етади. Шундан 24 таси санатория, 2 таси болалар санаторияси, 52 таси профилактика санаторияси, 83 таси дам олиш уйлари, 4 та пансионат, 17 таси оромгоҳлардир. Айни кезде бундай дам олиш масканлари сонини янада ошириш чоралари кўрилмоқда.


Вилоят худудига кадам ранжида қилган маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳ бўлиш, уларни муносиб қутлиб олиш ва жойлаштириш учун ҳар куни 68 та меҳмонхона ҳамда беш юздан ортиқ хусусий меҳмонхона уйлардан фойдаланилади. Ёзги туризм мавсуми давомида сайёҳлар «Чорвоқ сув омбори», «Ўтом Чотқоқ» миллий боғида мириқиб дам олишади. Қиш мавсумида эса чанғи учуш майдонларига ихтисослашган, мос тушадиган «Чимён», «Белдирсой» тоғли худудларида кўнгли чигалини ёзишади. Буни қаранг, айнан ўша худуддаги роҳатбахш, ажабтовур иқлим оппоқ қорнинг олти ой давомида эриб кетмасдан сақлаб қолинишини таъминлаб туради. Бундай қулай иқлим ва шарт-шароит инвесторларга дунё стандартларига мос келадиган чанғи туризми ривож топишига имкон яратади.

**Тарихни ўрганиш ҳамда англаш учун қадимий қадимжоларнинг ўрни бўлакча. Шу маънода, минтақада беш юздан ортиқ маданий мерос объектлари ва юздан зиёд тарихий маъмурий обидалар савлат тўкиб турибди. Бариси ўз қарвида қанчадан-қанча сир-асрорларни яширган. Бу манзиллардан зиёратчилар қадами узилмайди.**

Мамлакатимизда иқтисодий зоналар ташкил этилиши билан маҳаллий аҳоли муқим иш ўринларига эга бўлмоқда. Қолаверса, эҳтиёждан ошиқ маҳсулотлар пешма-пеш хорижга жўнатилмоқда. Бу ўз навбатида, валюта тушумининг яхшила-нишига салмоқли улуш қўшмоқда. Анг-рени эркин иқтисодий зонаси худудида жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган текстиль маҳсулотлари, керамик плиталар, электр жиҳозлари, юкори сифатли қурилиш материаллари тайёрланаётган бўлса, «Бўстонлиқ фарм» ҳамда «Паркент фарм» зоналари фармацевтика йўналишига ихтисослашган.

Сирасини айтганда, қадим Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларидаги эзгу ишларни бир мақолага сифдириш, жойлаш мушкул. Бу гўшада тобора авж олаётган хайрли тадбирлар бунга сира ҳам имкон бермайди. Воҳанинг сўлим ва оромжон ошёнларини кезганим сайин қалбимни яна келиш иштиёқи эгаллайди. Зеро, шоир ўз шеърда тараннум этганидек, «Мана, бугун икболи кенг далаг бор, Кенгликларга чин яшнатган инсон бу, Еринг яқин «жаннат» деган мақомга, Бобур бобом орзу этган замон бу».

Улугбек ЖУМАЕВ,  
«Оила даврасида» муҳбири


**XalqBanki**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ  
БАНКИ**
**ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН  
МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚЎЙИДАГИ ЯНГИ  
ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ**
**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

# ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАР

Халқ банкининг депозит сертификати – банкка қўйилган депозит суммасини ва юридик шахснинг (сертификат сақловчининг) депозит суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни банкдан ёки банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугагандан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи нозмиссиявий қимматли қоғоздир.

## ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАР

қўйидаги шартлар асосида муомалага чиқарилаан:

Сертификатларнинг номинал қиймати (сўм)

- ▶ 50 000 000 (эллик миллион)
- ▶ 100 000 000 (бир юз миллион)
- ▶ 500 000 000 (беш юз миллион)
- ▶ 1 000 000 000 (бир миллиард)

Муомала муддати ва йиллик устама	181 кундан 365 кунгача	17,0 (қайта молиялаш- тириш ставкаси + 1,0) %
	366 кундан 730 кунгача	18,0 (қайта молиялаш- тириш ставкаси + 2,0) %
	731 кундан 1095 кунгача	19,0 (қайта молиялаш- тириш ставкаси + 3,0) %

- ▶ Депозит сертификатларини Халқ банкининг барча филиаллари орқали сотиб олиш мумкин.
- ▶ Депозит сертификатлар бўйича фоизлар ҳар ойнинг охири санасида ва депозит сертификатнинг қайтариш санасида тўлаб берилади.
- ▶ Жалб қилинган маблағларни қайтарилиши ва уларга ҳисобланган фоиз тўловларини ўз вақтида амалга оширилиши кафолатланади.

**335**  
дона

Сертификатлар сони

**100**  
млрд.сўм

Чиқарилган ҳажми

Хизматлар  
лицензияланган.

(+998 78) 120 17 86, (+998 78) 120 17 87 (+998 78) 120 17 87 www.xb.uz

## ПАЗАНДАЛИК

### АСАЛЛИ ПЕЧЕНЬЕ

**Таркиби:** 400 гр. ун, 150 гр. сариёғ, 4 ошқошиқ асал, 2 дона тухум, 150 гр. шакар, 1 чой қошиқ истеъмол содаси, бир чимдим туз.

**Тайёрланиши:** Уннинг ярим қисми билан сариёғ укаланади. Сўнг асал солиб, қошиқ ёрдамида аралаштирилади. Кейин истеъмол содасини сирка ёрдамида

ўлдириб, хамирга кўшилади. Тухум ва шакар солинади ва охирида қолган ун солиб, юмшоқ хамир қорилади. Хамирни елим пакетга ўраб, хона ҳароратида 30 дақиқа тиндирилади. Сўнг ёнғок катталигида думалоқлаб ораси очик ҳолда газ печига териб чиқилади. Олдиндан



киздирилган духовкага секинлик билан печеньеларни териб, 10-15 дақиқа пиширишга қўйилади.

**Асалли печенье-ларимиз тайёр. Ёқимли нштаха!**

## ТАБАССУМ 😊

Ёши ўтиб қолган аёл эрига деди:  
– Сочимни қалта қилиб олдириганимдан кейин унча кампирга ўхшамай қолгандирман-а?  
– Ҳа, чиндан ҳам кампирга ўхшамайсан. Энди сен чолга ўхшаб қолибсан, холос.

\*\*\*

Такси жуда секин юриб борапти. Йўловчи тоқатсизланиб, хайдовчидан сўради:  
– Наҳотки тезроқ юришнинг иложи бўлмаса?  
– Менми? Юра оламан. Лекин машинадан тушгим келмапти-да...

## ЭЪЛОНЛАР

Тошкент молия институти қошидаги «BANK TECHNOLOGIYALARI» унитар корхонаси ихтиёрий **ТУГАТИЛГАНЛИГИ** маълум қилинади.

\*\*\*

Тошкент молия институти қошидаги «BANK TECHNOLOGIYALARI» унитар корхонасининг 2004 йил 20 майда 000451-10 тартиб рақам билан давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги 000451-сон гувохномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**OILA  
DAVRASIDA**  
Itijimiy-ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти» масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир  
Хусниддин БЕРДИЕВ

### МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанко»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва сақланган.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарк» нашриёт-нотибаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроқ кўчаси, 41.

### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Мурадullo Холмухамедов, Мухаммаджон Қуронон

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-1037  
ISSN 2181-6190  
Адади: 2 865 нуска.  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.  
Чоп этишга тошириди: 19:00

ISSN 2181-6190



123456